

ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МУАММОЛАРИ

Шарапова Гулчехра Рустамовна

Тураев Диёрбек Ўқтамович

Собиров Азизбек Акбарович

Аннотация: таълим ва тарбия орасидаги узоқлашиш масофасини инсон ҳаётидаги салбий оқибатлари тахлил қилинган, меҳнат кўмагида таълим ва тарбияни уйғун тарзда юқори даражада олиб бориш бўйича тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: таълим, тарбия, узвийлик, сифат, цивилизация, масъулият, илм бериш, педагогик жараён, ривожланиш, урф-одат.

Annotation: talim va tarbiya orasidagi uzoklashish masofasini inson hayotidagi salbiy oqibatlari takhlil qilingan, mehnat kumagida talim va tarbiyani uigun tarzda yuqori darazada olib borish buicha tavsiyalar berilgan.

Kalit suzlar: ta'lim, tarbiya, uzviylik, sifat, civilization, masuliyat, ilm berish, pedagogic jarayon, rivozhlanish, urf-odat.

Қадимдан таълим-тарбия ишида миллатимизга хос урф-одатларга кўра инсонийликнинг турли қирралари ўргатиб келинган, бунда таълим билан биргаликда чиройли одоб-аҳлоқ ҳам улуғланган. Бугунги замонавий шароитда ҳам шу қадриятимизга риоя қилган ҳолда таълим-тарбияни амалга ошириш йўлларини излаш лозимдир. Таълим билан тарбияга қўл урилган давр ибтидосида улар деярли бир бутунлик бўлиб, улар орасида чегараю масофа бўлмаган. Цивилизация ривожлана бориши билан таълим билан тарбия ажrala борди. Бундай жараён илм-фан ниҳоятда ривожланиб, катта ютуқларга эришилаётганлиги баробарида ҳам давом этиб, таълим билан тарбия бир-биридан узоқлашиб бормокда. Бу ҳолат инсониятга ва у эришган ютуқларига

соя солиб, ёвуз куч бўлиб майдонга чиқади. Шу сабабдан таълим ва тарбия ўртасидаги узоқлашиш жараёнига барҳам бериш ва уларни уйғунлаштириш масаласини ҳал этишимиз зарур ва бу ўз ўрнида мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ишларни баҳайр бўлишига гаров бўлади.

Таълим ва тарбия орасидаги узоқлашиш масофасининг катта бўлиши инсон ҳаётида ўзининг салбий оқибатларини намоён қиласди. Таълим олмаган киши қўп нарсадан бехабар бўлгани ҳолда, тарбиясиз киши инсонийлик ақидаларига зид бўлган ишларга қўл уради.

Бутун бир педагогик жараёнда таълим илм бериш вазифаларини, тарбия эса ҳаётни билиш, унга тайёрланишдек маъсулиятли вазифани бажаради. Тарбиянинг вазифалари кўп қирралидир. Таълимнинг асосий вазифаси ёшларни, ўқувчиларни илм билан қуроллантириш бўлса, тарбияда эса ўқувчиларнинг жамиятимизда қабул қилинган аҳлоқ-одоб қоидаларига мувофиқ келувчи эътиқодини, аҳлоқий малака ва қўнималарини, эҳтиёж ва интилишларини ва интилишларини таркиб топтириш муҳимдир. Тарбия масаласи – бу инсонларни инсоний сифатида камол топишига хизмат қилувчи энг муҳим омил. Ҳар бир одамнинг ҳаётида қўллаши зарур бўлган одоб ва аҳлоқ қоидалари мавжуд бўлиб, улар жуда ҳам мураккаб ва нозик ҳисобланади. Бу қоидаларни ҳар ким ўрганиши, ўз ҳаётига олиб кириши, унинг инсоний шаклланишига, феъл-авторини чиройли қилишга хизмат қиласди. Шунинг учун одоб-аҳлоқ тарбиясини ҳар бир инсоннинг характеристига, феъл-авторига сингдириб бориш лозим.

Ўқув жараёнини бошқариш нисбатан енгил, унинг натижалари тез кўзга ташланади ва уларни текшириш мумкин. Тарбияга нисбатан эса бундай хусусиятларни айтиш қийин. Тарбия ўқувчи-ёшнинг руҳиятига, тарбия берувчи-ўқитувчига мақбул сифатларни сингдириш учун мақсадга мос равища ва мунтазам равища таъсир этишдир. Тарбия давомида ўқувчининг қарашлари, ҳаётий нуқтаи назари таркиб топиб боради.

Тарбиявий ишларни ташкил этишда асосий омил – одоб ва ахлоқ каби юксак инсоний фазилатларни шакллантириш, мулоқот одоби, миллий ғуур, ёшларни она Ватанга муҳаббат, миллий ва жаҳон маданияти, санъати, шахс дунёқарашини камол топтириш. Шу боис таълим ва тарбия жараёнини узвий боғлиқликда ташкил этиш ўта долзарб масаладир.

Тарбия ва таълим бериш мустаҳкам алоқада бўлгани ҳолда ўзига хос қонуниятларга эга. Таълим ва тарбияни ягона жараёнда ташкил этиш керак, лекин улар айнан бир-бирига ўхшаш эмас. Шу сабабли буни амалга ошириш қийин масала ва унинг мақбул варианти мавжуд эмас. Таълим ва тарбиянинг ўзаро узвийлигини ташкил этишининг муҳимлиги улар мақсадининг умумийлигига акс этади.

Тарбияланган кишининг ҳар бир ҳатти-ҳаракати чиройли бўлади, хушмуомалиги бошқаларда унга нисбатан ҳавас ва ҳурмат ҳиссини уйғотади. Шунга кўра яхши тарбия кўрган инсон бўлишга интилиш ҳар бир кишининг олий мақсади ва вазифаси бўлиши керак. Тарбия ҳамиша келажакка қаратилган мақсадли эзгу ишларни кўзлайди. Унинг воситалигига инсонлар камолотга, камолат орқали эса баҳтга эришадилар. Тарбия билан киши чин инсон ва баркамол шахс бўлиши мумкин. Фақат таълим билангида эса тўлақонли чин инсон ва баркамол шахс бўла олмай қолиши мумкин.

Таълим-тарбия – бу инсонларда ижобий фазилатларни таркиб топишига хизмат қилувчи тараққийпарвар омил. Ўқувчилар лаёқатини ривожлантириш, уни қобилиятга айлантириш ва ҳаётга мос ҳолда ўстириш учун меҳнатсеварлик ва ишchanлик керак. Меҳнатсеварлик ва доимо ишлаш каби фазилатлар фақат тарбия натижасида орттириладиган фазилатлардир. Зоро, инсон камолотига таъсир этадиган омиллар бир қатор бўлса ҳам, лекин тарбиячи-ўқитувчи раҳбарлигига амалга ошириладиган тарбия жараёни етакчи ҳисобланади. Чунки, тарбия таъсирида турли фазилатлар ўзлаштирилади, билим, маълумот эгалланади, меҳнат ва техник фаолият билан

боғлиқ кўникмалар, малакалар ҳосил қилинади. Тарбиявий жиҳатдан уюштирилган ҳар қандай ўқитиш фаолияти шахснинг ақлий ва иродавий ривожланишига таъсир этади. Шу жиҳатдан ўқитувчи ўзи тарбия кўрган ва тарбиянинг моҳиятини аниқ англаган бўлиши керак.

Таълим билан тарбия меҳнат воситалигида уйғунлашса, комиллик сари қадам қўйилади. Бунда қўйидаги ижобий фазилатлар вужудга келади:

тарбия даражаси етарли бўлганда, унда гўзал хулқли, инсонпарвар шахс этишиб чиқади; таълим даражаси етарли бўлганда, ундан илмли, зиёли инсон этишиб чиқади; меҳнатсеварлик даражаси етарли бўлганда, инсон олдига қўйган мақсадларига интилувчан фаол шахс шакланади; тарбия, таълим ва меҳнатсеварликнинг уйғунликда ривожланиши баркамол инсонни этиширишнинг энг муҳим омили ва гарови бўлиб хизмат қиласди; тарбия даражаси этишмаган талабалардан ҳатто илмли бўлсада, ундан худбин этишиб чиқади; таълим даражаси этишмаган талабалардан жоҳил этишиб чиқади; меҳнат даражаси этишмаган дангаса талабадан эса лоқайд ва танбал мутахассис этишиб чиқади.

Таълим билан тарбияни бир-биридан ажратиш воқеликка зид бўлиб, охири муваффақиятсизлик билан тугайди, яъни тарбия яхши бўлиб, таълим етарсиз бўлса, яхши мутахассис этишиб чиқмайди. Таълим яхши бўлиб, тарбияда нуқсон кузатилса, бундай мутахассис ҳам нуқсонли бўлади. Шунинг учун меҳнат кўмагида таълим ва тарбияни уйғун тарзда юқори даражада олиб бориш лозим.

Демак, таълим ва тарбия ўртасида ҳеч қачон узилиш бўлмаслиги керак. Таълим жараёнида ёшлар етарли тарбия олмоғи шарт. Тарбия жараёни эса таълим билан тўлдириб борилиши зарур. Таълим ва тарбия уйғунлигида олинган билим истиқболда қувонч ва баҳт келтиришига талаба-ёшларни ишонтириш керак. Ана шу ҳолда билим олиш, тарбия кўриш фаол жараёнга айланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:/REFERENCES:

1. Юлдашева, С. А., Курбанова, М. Н., & Тураев, Д. Ў. (2023). ИННОВАЦИОННАЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ ПРЕДПРИЯТИЙ АО «НГМК». *Journal of new century innovations*, 23(3), 188-191.
2. Юлдашева, С. А., & Курбанова, М. Н. (2022). РАЗВИТИЕ КОНСОРЦИУМА ОБРАЗОВАНИЯ И ПРОИЗВОДСТВА. *Uzbek Scholar Journal*, 9, 209-213.
3. Yuldasheva, S. A. (2022). Performance Indicators of Business Subjects: World Experience and Development. *Global Scientific Review*, 8, 21-27.
4. Yuldasheva, S. A., ugli Murodov, B. X., & ugli Suvonqulov, S. I. NEGATIVE CONSEQUENCES OF MONOPOLY AND METHODS OF REGULATION. *Zbiór artykułów naukowych recenzowanych.*, 195.
5. Шакирова, Ф. Б. (2022). ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ МОДЕЛЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ БИЛАН АЛОҚАДОРЛИГИ. *Journal of new century innovations*, 17(1), 101-105.
6. Shakirova, F. B. (2022). INNOVATIVE DEVELOPMENT MODELS AND THEIR RELATIONSHIP WITH ECONOMIC GROWTH. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 10(10), 662-665.
7. Shakirova, F. B. (2022). ТЕМИР ЙўЛ ТРАНСПОРТИ СОҲАСИДАГИ ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИ. *Journal of new century innovations*, 16(3), 82-85.
8. Шакирова, Ф. Б. (2022). ТРАНСПОРТ СОҲАСИДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК МЕХАНИЗМЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ХОРИЖИ ТАЖРИБАСИ. *Journal of new century innovations*, 15(3), 66-74.
9. Shakirova, F. B., & Sattorova, S. B. (2022). “О ‘ZBEKISTON TEMIR YO ‘LLARI” AJ FAOLIYATINI RIVOJLANTIRISHDA XALQARO HAMKORLIK FAOLIYATI. *Eurasian Journal of Academic Research*, 2(9), 4-9.

10. Shakirova, F. B. (2015). Development of Economy in Uzbekistan on the Basis of Innovation Activity (Uzbekistan, Tashkent). *Problems of Modern Economics*, (3), 55.
11. Mardiyevna, S. G., & Anvarovna, E. D. (2022). MECHANISMS FOR IMPROVING THE EFFICIENCY OF FAMILY BUSINESSES IN THE DIGITAL ECONOMY. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 10(11), 206-211.
12. Shadieva, G. M., & o‘g‘li Isoqulov, Z. S. (2022). WAYS TO REDUCE POVERTY. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 10(12), 957-962.
13. Усмонова, М. (2022). Imkoniyati cheklangan bolalarni o ‘qitishda texnologiya fanining dolzarbligi. Современные тенденции инновационного развития науки и образования в глобальном мире, 1(4).